

Journal of Natural Science

*No1 (6)
2022*

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шилова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор7. Насимов А– СамДУ к.ф.д., профессор8. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор9. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц10. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.11. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.12. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф13. Муродов К-СамДУ к.ф.н., доц.14. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц15. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.16. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц17. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.18. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)19. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц20. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)21. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц22. Муминова Н-к.ф.н., доц23. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц24. Инатова М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD)
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Раббимова Ф. - доцент,
Умрзокова К I-курс магистр

Жиззах давлат педагогика институти

Дунёда олий таълим муассасаларида ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтириш, таълим йўналишлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг ҳар бир фаолият турига мустақил илмий-ижодий ёндашиши, олинган янгиликларни тадбиқ эта билиш компетенцияларини ривожлантириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, компетентли кадр сифатида илмий-методик фаолиятга тайёрлаш долзарб аҳамият касб этади. Таълим даврида талабаларни илмий ишларга жалб этиш, мустақил тадқиқотчилик фаолияти, тажриба натижаларини амалиётга тадбиқ этишга йўналтириш мустақил, салоҳиятли, иждоий тадқиқотчилик компетенциясига эга илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш учун мустаҳкам пойдевор ҳисобланади.

Республикамизда илмий иждо эркинлиги, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш, тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Илм-фан ва тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш, “истикболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш”¹ ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, педагогика олий таълим муассасаларида биологиядан олиб бориладиган методик ва илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларида ёшларни илмий-тадқиқот ишларини тизимли равишда таҳлил этишга йўналтириш, жаҳон илм-фандаги янги, истиқболли тенденцияларни оммалаштиришга талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биологик таълим жараёнида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг функционал-таркибий тузилиши, муаммоли, лойиҳалаш технологиялари асосида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикаси ёритилган.

Биология таълими жараёнида ОТМ талабалари илмий-тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг таркибий-тузилиши моделини ишлаб чиқишда модель қуйидагиларни ўз ичига олади: ташкилий қисм (ўқитиш принциплари, ўқитишнинг ташкилий-педагогик шароитлари, ташкилий-методик қисмлар, ўқитишнинг шакл ва методлари); мазмун қисми (муаммоли вазиятлар, ўқув-ижодий топшириқлар, иждодий лойиҳалар); фаолиятли қисми: ўқитувчи фаолияти (фаолият мақсади, мазмуни, цикл натижаси); ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликда бошқариш босқичлари (кадриятли-йўналтирилган, ахборот-таҳлилий, режали таркибий-функционал модели. Талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг прогностик, ташкилий-ижрочи, коммуникатив, назорат қилиш-баҳолаш, тартибга солиш-тузатиш), талабалар фаолияти (фаолият мақсади, мазмуни, оралиқ натижа); баҳолаш-натижа қисми: тадқиқотчилик фаолияти компонентлари (когнитив, аксиологик, креатив, ташкилий-фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи), талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш даражалари (чекланган, йўл қўйиладиган).

ОТМ талабаларининг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш натижадорлиги (самарадорлиги ва амалий натижадорлиги). Кўрсатилган тамойиллар, ташкилий-педагогик шароитлар, шакл ва методларга мувофиқ равишда ўқитишни ташкил этиш жараёнини белгилайди.

Биз таълим жараёнини ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган рефлексив бошқаришни (ҳамкорликда бошқариш тури бўйича) тақдим этамиз.

Муаллифларнинг фикрига кўра, ўзаро ҳамкорлик даври қуйидагиларни таъминлаб беради: бошқарилувчи субъект вазифаларининг кенгайиши; талабанинг ижрочи ҳолатидан ўз фаолияти ҳамда ўқитиш жараёнининг ташкилотчисига айланиши; талабаларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш борасидаги мустақиллигини ошириш.

Ўқитувчи ўзининг ҳамда талабаларнинг турли хил ҳаракатлари оқибатларини курсатади. Сценарий – бу ўқитувчининг аниқ вазиятда ҳаракатланиши белгиланган режа.

Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш, бизнингча, компонентлар ва таркибий тузилманинг сифат ва сон ўзгаришлар жараёни тушунилади. Бундай ўзгаришлар натижасида талаба таълим олиш натижаларининг олдингидан кўра юқори натижаларга эришиш кўникмасига эга бўлади.

Мустақил иждодий ривожланиш ўқитишнинг муаммоли-мураккаблаштириш шароитида таъминланади ҳамда унинг натижалари ишлаб

чиқилган қўйидаги сценарийлар орқали кўриб чиқилади: маҳаллий ўзгаришлар (унумсиз, номаҳсул); модулли ўзгаришлар (репродуктив-продуктив,); тизимли ўзгаришлар (маҳсулдор-креатив, маҳсулдор-ижодий).

Биологик таълим жараёнида тадқиқотчилик фаолиятини такомиллаштиришда муаммоли маъруза, семинар, талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришга оид лойиҳалаш методлари, интеллектуал харита топшириқлар тизими орқали ўзини ўзи ижодий ривожлантириш имкониятлари орттирилади “Умуртқалилар зоологияси” фанини ўқитишда талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш асосида ташкил этилган тажриба-синов ишлари тўртта: ташхис ва башорат қилиш, ташкилий-тайёргарлик, амалий, умумлаштирувчи босқичда амалга оширилди. Қўйида ОТМ талабаларининг тадқиқотчилик фаолияти компонентлари ривожланиш даражасини ўрганиш методлари ва методикаси тақдим этилади, Тадқиқотчилик фаолиятининг: когнитив, ташкилий-фаолиятли, аксиологик, креативлик, рефлексив-баҳолаш компонентларини ривожлантиришга қаратилган муаммоли таълим, лойиҳалаш технологиялари асосида муаммоли-мураккаблаштирилган топшириқларни бажариш натижалари таҳлил этилди. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш мазмуни ўқув-ижодий тадқиқотчилик топшириқлари, муаммоли вазиятларни ҳал қилиш жараёнида шахсий интеллектуал сифатларни шакллантиришга йўналтирилган ўзаро алоқадор компонентларни (ташкилий, мазмун, фаолият, баҳолаш-натижа) уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилди.

Тадқиқотчилик фаолияти мазмун компонентлари (когнитив, аксиологик, креатив, ташкилий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш) ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш даражалари (чекланган, эҳтимоллик, оптимал) ва натижадорлигини (ўзини ўзи ижодий ривожлантириш суръати) мужассамлаштириш асосида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг таркибий-функционал модели яратилди. Бу эса, талабаларнинг билим натижалари ва тадқиқотчилик компетенцияларини баҳолашнинг методик жиҳатларини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажак буюк давлат. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 62 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура, – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.– 364 б.
3. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” мавзусидаги Ўзбекистон

Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Мерос, 1993. – 222 б.

5. Абу Райҳон Беруний. Тарайҳалар (Жавохирот китобидан). – Тошкент: Мерос, 1991. 47 б.

6. Авлияқулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 190 б.

7. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Ташкент: Фан ва технологиялар, 2006. -186 б.

8. Асимова Р.С. Касб танлаш мотивацияси ва унинг динамикаси: Автореф.псих.фан.ном. ...дисс. –Тошкент: ТошДУ, 2002. – 28 б.

9. Ачилдиев А.С. Проблема взаимодействия национального самосознания и национальной культуры: Автореф. ...канд.филос.наук. – Тошкент, 1994. -22 б.